

АЪМОЛИМИЗ ЁИНКИ МУРОДИМИЗ

Маълумдурки, дунёда ҳар ким умид ва аъмол ила яшайдур. Кеча-кундуз меҳнат ва машаккат тортмок оянда учундур. Ҳар ким ўз ояндасини яхшиликка ҳаракат этар ва келар замонда ўз орзуси ва ҳавасига етмок учун ҳеч дам олмасдан ҳол қадаринча ҳаракатдадур. Тириклик қулфати ва меҳнати асосинда ҳар ким ўз ояндаси ва истикболига бир нав яхши умид ила қараб ва ўзига бир муддао қарор бериб ва ўшал муддао ва ёинки мурудин ҳосил қилмок учун қўшиш этиб, ҳар кун чекатурган қулфатини ўшал муддаосини ҳосил қилдирмок учун ўзига олмай яна зиёдарок интиладур. Ва баъзан ўшал муруду муддаосини, гўё ҳосил бўлди, деб роҳатланиб ўзига тасалли берадур. Ва ҳеч аҳади ушбу муддаоу мурудни орқасидан югурмокдан ҳоли эмас. Ана шул муддао ва мурудларни илми ислоҳ ила аъмол дерлар.

Энди аъмолимизга диққат қилмок керак. Аксар ҳалқимизни аъмоли шулки, ишласа ва фойда қилса. Шоядқи, ўғил ва қизини тўй қилса ва ҳам қандай! Ўз қаториндаги одамларни қилган тўйидан зиёдарок!

Бечора қосибни аъмоли тўйдур. Ўзи роҳат юзи қўрмайдур. Кеча-кундузқи 18, балқи 20 соатни меҳнатга ўтқаратургон қосибларимиз бордур. Ҳаққинча ёмайдур, қиймайдур. Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаккат этар ва ҳудодан ўғил тилар, тўй қилмок учун. Ана, бечорани аъмоли. Йигирма саналик меҳнати уч қун тўйда тамом. Яна Аҳмад порина ҳавли ва ҳона гирад. Тўй мусрифи учун қарз эгаларидан қочадур. Қатта тўй қилиб хотун олгон бир қисм бечораларни ҳолига йигламок керак. Уч қунлик тўйни азоси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто, бир умр сурар, балқи беватан ва ҳонавайронлиқга сабаб бўлур. Бир қосибни ақду никоҳига, тўю обрўсига минг сўм. Бир ўртаҳол учун 2000 ё 3000 сўм. Нимбой учун тўрт-беш минг сўм керак. Бу сўмларни юздан етмиш беши ёйилиб-ичилиб... кетар.

Бу сўмлар аслинда қимниқи эди? Бонқа, фирма, фойдахўрниқи. Табиий, буларга пулларини бермок лозим, на берилур? Боғу ҳона ва уйи ичиндаги асбобни сотиб бермок керак. Бечора қелин ва қуёвни қўрпа ва либосига қасотилур, қарзхоҳга берилур. Нимбойлар синар. Тириклигинда бўлмаса, ўлганда синар. Аҳлу аёли дарбадар бўлур. Ой, бу нима? Тўғриси, бир нав девоналик эмасми? Субҳоноллоҳ, қарз олиб ҳалқга ош бермок ақлсизлик эмасми? Ҳамда иллати бедавасидур.

Ҳар қиши бир уйланса ва сўнгра оиласидан бир ўлуқ қўмса, оллоҳи ақбар. У ҳона аҳли қосиб бўлса, бу дунёга ўзига қелмасдан кетар. Холо, баъзи бечора ўлса, ани бой қариндошлари, обрў қилурмиз, деб сағир молини ҳалқга эллар ила йиртиш, палов қилиб берар. Бечора сағирлар нонини бой қишилар қўлтуғига олиб кетар. «Ло тақулуъ амволил ятима. Қулуъ ва ишрабу ва ло тасрафу»[1], қанда қолди?..

Эй мусулмонлар, бу ояту масъалаи шаръига қим амал қилур? Ва муни ҳалойиқга қим билдурар? Ҳар қун бир мусулмонни нимарсалари бозорга қини учун... сотилур. Ва ҳар қун судда накадар ҳовли, ҳона, боғ сотилур. Ҳар қун накадар векселлар «протест»,

накадар дўкон, корхона хажз (печать) бўлур. Бу ниманинг жазоси? Тўй, маърака, Тазия, кўпқари, базм. Бир махаллада ахли савод йигирмадан бир йўк. Имони исломни далиллари ила билатургонларни нари кўйдук. Эрта козилар бархам бўлса, замонча кози бўлатургон биргина киши бутун ўн миллиўн Туркистонда йўк... Йўк, яна йўк.

Хой, хой, халойик! Бизлар девонами сог? Албатта... Биз тўй ва маърака хаёлидан лаззат олардук. Тўю маъракамиз ила фахр килар эдук. Тўю маъракага сарф килинатургон окчани жамламок иа ё кўлга киргузмок учун харакат этардук. Агарда тўй ва маъракага кадимгидек окча тўкмасак, ул окчани на килмок керак? Мунга жавоб берилурки, тўй ва маърака килинсун. Аммо хозиргидек исроф этмасдан килинсун. Ва мумкин кадаринча кичик килинсун. Ва ортукча пул ила болаларни мусулмон ва руси яхши ўкутулсун. Тўю маъракага сарф килинатургон окчани эски мадраса ва мозору масжид хамда мактабларни шикаст-рехтларига сарф килинсун. Тўй ва маърака окчасидан болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу окчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорилфунун ва дорулсаноатларига юборилиб диний ва дунёвий ва замоний одамлар етишдурмокга саъй килинсун.

Бизни Туркистонда муаллим оздурки, тўю маъракага сарф килинатургон окча ила Кафказ, Кирим, Урунбург ва Козонга усули таълим ўрганмок учун бола юбормок керакдур. Ҳукумат мактабларига кирмок учун русча билмок ва имтихон бермок лозим. Ва бу имтихонни бермок учун хар болани икки сана русча ўкутуб, тарбият этмок керак. Ва бул икки сана учун хар бир болага 600 сўм акча керакдур. Акчалик оталар, албатта, тўй ва маъракага кизгонмаганларидек, болани ўкутишга хам кизгонмасалар керакдур. Болалар учун тарбиятхона (пансион) очмок керак. Ва бу тарбиятхоналар замонча ва хам миллий ва диний руҳда бўлиши керакдур. Бу тарбиятхоналарни очмок учун ва ҳукумат мактабларига бола тайёр килмок учун наشري маориф ёинки жамияти хайрия ва ёинки тарбияти атфол жамияти ва ё ўзга исм ила, хулоса, жамиятлар керакдур. Токи бул жамият(лар) халкдан окча жамлаб миллат болаларини ўкутиш ва миллатни ояндаси учун керак бўлатургон кози, яъни судья, закунчи, яъни ҳукукшунос, инжинер, яъни мухандис, муаллим, яъни замона мактабдори, миллатни хомийси ва ходими, яъни Давлат Думасига депутат, миллий саноатхоналаримизни ислох ва ихё этгувчи, яъни техник, тижоратхона ва бонкаларда бизга ёрдам бергувчи, яъни тижорат илмини ўкугон коммисант, шахар думахоналарига ва минбаъд Туркистонда очилатургон земства идораларинда бизни тарафдан кириб ва сайланиб, биз учун, ватани Рус учун, дин, мубаййини ислом учун, зауфо учун, фукаро учун ишлайдургон одамларни етушдурмок керакдур.

Хозирги мўйсафидларимиз турсун, ўрта ёшлар якинда ўлиб кетар, замона хар кун янгилашур. Янги илм ва янги фикрлик ва фунуни замонияни дарбар килган одамларни талаб килур. Букундан бошлаб, хар шахардан хар сана ўн-йигирмалаб ҳукумат мактабларинда бола берилса, ўнбеш сана сўнгра хар шахарда 4—5 замона одами тайёр бўлур ва ҳукумат мансабларига, замона доираларига, тижорат ва саноатхоналаринда кириб, бизларга манфаат еткурар. Келар замон бошқадур. Хатто, хозирда иккимиз урушсак, яҳудий ва ажнабий закунчиларига борурмиз. Бошимиз огриса, ажнабий дўктурига борурмиз. Сабаб надурки, ўзимиз ўкуб замоний одам бўлмаймиз? Ана энди биз учун тўй ва маърака ва кўпқари ўрнинда шул юкоридаги айтулгон ишлар аъмол — идеал — мурод — тилак — муддао бўлсун. Вало, мун(и)сиз биз кундан кун йўк ва забун

бўлармиз.

«Ойина» журнали, 1913 йил, 6—7-сонлар, 130—132, 154—156-бетлар.

[1] Таржимаси: «Етимнинг молини еманглар. Енглар, ичинглар, исроф килманглар».